



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 1 январь, № 1 (5931)

Чоршанба

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошларим,  
кадрдонларим!

Мана шу унутилмас, шукуҳли дамларда сиз, мўътабар отахон ва онахонларни, мунис опасингиларимизни, навқирон ўғил-қизларимиз, жажжи болаларимизни — барча-барчангизни кутлуғ қадамлар билан юртимизга кириб келаётган янги йил билан чин қалбимдан табриклаб, самимий тилакларимни изҳор этишни ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман.

Байрамонда дастурхон атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азизларни бағримга босиб, хонадонларингизга тинчлик, соғлиқ-омонлик ва хурсандчилик, тўкин-сочинлик ёр бўлишини, юртимиз янада обод бўлиб, янада чирой очиб раванқ топишини, барча-барча эзгу ниятларимиз ушалишини тилайман.

Бугунги кунда олдимизда турган буюк мақсадларимизга эришиш, тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш йўлида мамлакатимиз кўяётган амалий қадамлар, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори юксалиб бораётгани барчамизга яхши маълум.

Яқунига етаётган 2013 йилнинг айнаи шу йўлда Ватанимиз тараққиётига, иқтисодийликнинг барқарор ривожланишига, эл-юртимиз ҳаёт даражасининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшгани, хосиятлари ва баракали бўлганини шукроналик билан таъкидлашимиз лозим.

Бунинг далили сифатида жаҳон миқёсда ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамасдан, кейинги йилларда иқтисодийликнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил этгани ва бундай кўрсаткич дунёда камдан-кам давлатларда кузатилаётгани барчамизга чуқур мамнуният етказди.

Иқтисодийликка жалб қилинаётган кенг қўламли капитал маблағлар ва чет эл инвестицияларининг ҳажми тобора ошиб бораётгани, шунинг ҳисобидан энг замонавий технологияларга асосланган юзлаб корхоналар, транспорт коммуникациялари, минг-минглаб янги ўй-жойлар, инфратузилма объектлари барпо этилгани шахар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда, мамлакатимизнинг салоҳиятини янада ошириб, келажагимиз учун мустақкам пойдевор яратмоқда, десак, айнаи ҳақиқатни айтган бўлаимиз.



Ўтиб бораётган 2013 йилда аҳолимизнинг реал даромадлари 15,7 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,8 фоизга ўсгани, инфляция даражаси 6 фоиздан ортагани, бозор ва дўконларимиз расталари тўкин-сочин бўлиб, кўзни қувонтираётгани, нарх-наво мезърдан ошмагани — буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганининг яққол далили ва исботи, десак, янглишмаган бўлаимиз.

Янги йилда ҳам айнаи шу сиёсатни изчил давом эттириш асосида аҳолимизнинг моддий аҳоли янада яхшиланиб, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори бу рақамлардан кам бўлмайти, деб барчангизни ишонтириб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Қадрли юртдошлар!  
Бугун биз катта орзу-умидлар билан кутиб олаётган янги — 2014 йил ҳақида, барчамизнинг эътиборимиз марказида туриши зарур бўлган вазифалар ҳақида гапирганда, энг аввало, қўлга киритган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, бепарволик кайфиятига берилмасдан, эришган натижаларимизни тан-

қидий баҳолаб, ҳаёт талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, кўзлаган истиқболимизга қадам қўйишимиз ниҳоятда муҳимдир.

Шу маънода, биринчи навбатда, юртимизда тинчлик ва осойишталикни, меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик ва ҳамжихатликни, қўшниларимиз билан дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ҳар қандай бало-қазоларни остонамизга йўлатмаслик, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачигидек асраш, бунинг учун Куролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини оширишга алоҳида аҳамият бериш — бугунги кунда нотинч замоннинг ўзи олдимизга қўяётган долзарб вазифалар қаторида сақланиши зарур.

Биз танлаган ва ўтган давр мобайнида ўзини тўлиқ оқлаган, чуқур ўйланган, жамиятимизни демократлаштириш ва ҳаётимизни эркинлаштиришга қаратилган ислохотларни чуқурлаштириш ва самарасини ошириш сиёсатимизни давом эттириш янги йилда барча дастурларимиз ва кундалик ҳаракатларимизнинг мақсадларига айланishi керак.

Шу борада замонавий корхоналарни ишга тушириш ҳисобидан иқтисодийликда таркибий ўзгаришларни амалга

ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатларини ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш, соғлиқни сақлаш, биз учун муҳим ўрин тутадиган таълим-тарбия соҳасини янги босқичга кўтариш, кенг қўламли бунёдкорлик ишларимизни давом эттириш янги йилда ҳам энг устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

Кириб келаётган 2014 йилнинг юртимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилингани халқимиз катта мамнуният билан кутиб олгани ва кенг қўлаб-қувватлаётгани бу қарор эл-юртимизнинг олижаноб орзу-интилишларига нақадар ҳамоҳанг эканидан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, болаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, уларнинг бахту иқболини кўриш — ҳар бир ота-она, ҳар қайси оиланинг энг улуг ва муқаддас орзусидир.

Шу билан бирга, ҳаммамиз яхши тушунамизки, фақатгина жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, замонавий билимга, ўз фикр ва қарашларига эга бўлган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлодимизни камол топтириш — биз кўзлаган обод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий гарови ва айтиши мумкинки, ҳал қилувчи шарт бўлиб майдонга чиқмоқда.

Айнаи шу ҳақиқатни чуқур англаб, “Соғлом бола йили” деб ном олган 2014 йилда ва келгусида ҳам бу масала, бу вазифа ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз, барча-барчамизнинг доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Азиз ва қадрли ватандошларим!  
Янги йил кириб келишига санокли дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу орзу-мақсадларимизнинг рўёбга чиқишини, хонадонларимизнинг кут-баракаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўрайимиз.

Кириб келаётган янги йилимиз юртимизга, барча-барча оилаларга бахту саодат ва омад келтирсин!

Ҳар биримизнинг пок ният ва тилакларимиз ижобат бўлсин!  
Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти.



## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Кириб келаётган Янги — 2014 йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарларидан, чет эллик жамоат арбобларидан Юртбошимиз ва халқимизга бахт-саодат, тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик ва фаровонлик тилаб, энг эзгу ниятлар изҳор этилган самимий қутловлар келиб турибди.  
Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллашган:

Хитой Халқ Республикаси Раиси  
**Си Цзиньпин**

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири  
**Ли Кэцян**

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти  
**Йоахим Гаук**

Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери  
**Ангела Меркель**

Польша Республикаси Президенти  
**Бронислав Коморовский**

Канада генерал-губернатори  
**Дэвид Жонстон**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти  
**Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими  
**Мухаммад бин Рошид Ол Мактум**

Беларусь Республикаси Президенти  
**Александр Лукашенко**

Янги Зеландия генерал-губернатори  
**Жерри Матепарае**

Москва ва Бутун Русь Патриархи  
**Кирилл**

Япония парламенти Маслаҳатчилар палатаси депутати  
**Кёко Накаяма**

Корея миллий нефть корпорацияси президенти ва Бош ижрочи директори  
**Мун Кю Сух**

Табрикномалар келиши давом этмоқда.

## Айём қувончи



Тодбир

Айнаи кунларда пойтахтимизнинг Бош майдони, айниқса, ажиб фусункорлик касб этган. Ушбу муаззам гўшада юртдошларимиз байрам шодиёналарини кўтаринки кайфиятда нишонламоқдалар. Майдон узра қад ростлаган гўзал ва мухташам арча атрофида жажжи кичкинтойлар, уларнинг ота-оналари, ўқувчи ва талабалар, мамлакатимизнинг олис шахару қишлоқларидан ташриф буюрган каттаю кичик жамулжам.

Афсонавий гўзаллик касб этган “Эрталар шаҳарчаси”, Қорбо ва Қорқиз, совғалар ярмаркаси, театрлаштирилган томошалар болажонларга олам-олам завқ улашаётир. Маданият ва спорт ишлари вазириги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Ўзбекнаво” эстрада, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бўлими, Майдонга ўрнатилган экранларда эса Обод турмуш йилларида амалга оширилган беқиёс ўзгаришлар, бунёдкорлик одимлари, гўзал шахар ва қишлоқларимиз қиёфаси намойиш этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ижтимоий фикр

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан фуқароларимиз поёнига етган 2013 йилни қандай баҳолаши, уларнинг ижтимоий кайфиятини аниқлаш мақсадида навбатдаги сўров ўтказилди.

## КЕЛАЖАККА ҚАТЪИЙ ИШОНЧ

Сўров Ўзбекистон фуқаролари Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсат, ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли демократик ислохотларни тўла қўлаб-қувватлашни кўрсатди. Юртдошларимиз иқтисодиёт, банк тизимини ривожлантириш соҳасида мамлакатимиз эришган ютуқлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорлигини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда химоя қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада такомиллаштириш борасида яратилган шарт-шароитларни юқори баҳолайди.

Иштирокчиларнинг фикрича, истиқлол йилларида фуқаролар онгу тафаккурида, маънавияти, ҳаётга муносабатида улкан ўзгаришлар рўй берган. Аксарият катнашчилар фуқароларнинг қонунга ҳурмати, мазмунли турмуш кечириш ва кундалик ҳаётда учрайдиган муаммоларни ҳуқуқий нормалар асосида ҳал этишга интилиши охиб бораётганини қайд этган. Жумладан, 83,6 фоиз юртдошимиз инсон ҳуқуқлари, 82,1 фоизи хотин-қизлар, кексаларга нисбатан хурмат ортиб бораётгани, жамиятимизда қарор топган меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳити янада мустаҳкамланаётганини таъкидлаган.

(Давоми 2-бетда).

— Ўзбекистондек бетакрор, тараққиёти барқарор, гўзал ва обод, халқи меҳмондўст диёрда меҳмон бўлганимдан жуда мамнунман.

Айниқса, қишлоқларингиз қиёфаси, одамлари, табиати менда катта таассурот қолдирди. Қурилиш соҳаси мутахассиси бўлганим учун, намунавий лойиҳалар асосида қурилган ўй-жойлар сифатига эътибор қаратдим. Улар замонавийлиги, қулайлиги, миллий қадриятларга уйғунлиги билан ажралиб туради. Ўз навбатида, массивларда барча инфратузилма объектлари — боғча, мактаб, коллеж, ҚВП ва коммунал тармоқлар параллел тарзда бунёд этилган. Янги ўй-жойларнинг аҳолига узоқ муддатли ипотека кредитлари асосида берилиши қишлоқларда хусусий мулкдорлар, ижтимоий соҳа ходимлари, яъни ўрта синф вакиллари мавқеини ошириш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими, кичик бизнесни янада ривожлантириш, аҳоли қатламларининг социал муҳофазасини кучайтиришга хизмат қилаяпти.

**Александр СЕФРЕ ЗАНД,**  
Буюк Британиянинг «Sefre Architects Research Group» компанияси бош ижрочи директори, Британия архитекторлари қироллик институти аъзоси.

Эътироф

Дунё миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз таъсири сақланиб қолаётганига қарамасдан, 2013 йилда ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланиб, аҳоли турмуш даражасини изчил ошириш таъминланди. Бу борадаги ютуқларимиз йирик халқаро ташкилотлар, молия институтлари раҳбарлари, эксперт

ва мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Поёнига етган йилда биз ана шундай самимий муносабатларга жуда кўп бор гувоҳ бўлдик. Зеро, азиз Ватанимиз шаънига билдирилган ҳар бир холисона ва ижобий фикр қалбимизга чексиз ғурур ҳамда ифтихор бағишлайди.

— Глобал иқтисодиётнинг аҳоли ёмонлашганига қарамай, Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан юксалмоқда. Кучли бюджет ва ташқи позиция, банк тизимининг барқарорлиги ва давлат қарзининг паслиги барқарор макроиқтисодий натижаларга эришиш имконини бермоқда.

**Вероника БАКАЛУ,**  
Халқаро валюта жамғармаси миссияси раҳбари

— Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан сўнг ўтган қисқа вақт давомида қўлга киритган улкан ютуқ ва марралари мени гоят ҳайратга солди. Бу, шубҳасиз, мамлакат раҳбариятининг хизматлари самарасидир. Президент Ислом Каримов ва мамлакатингиз ҳукумати Ўзбекистон халқининг ҳаёт даражасини юксалтириш йўлидаги машаққатли меҳнати ўзининг улкан самараларини бераётгани билан табриклайман.

Сўнгги ўн йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари дунёдаги

кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги кўрсаткичлардан юқори бўлмоқда. Мамлакатингизнинг кучли солиқ-бюджет сиёсати ва ташқи қарзининг камлиги мустақкам макроиқтисодий асос яратилганидан далолат беради. Бу Ўзбекистонга аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш, инвестицияларни фаол жалб қилиш имконини бермоқда.

**Такехико НАКАО,**  
Осиё тараққиёт банки президенти.

Сарҳисоб



# 2013 йилнинг муҳим воқеалари

Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш ва обод қилиш борасидаги ишларни янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида 2013 йилга мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб ном берилди. Мазкур йилда ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар бюджет умумий ҳаражатларининг 60 фоизини ташкил этди. Бу эса 2012 йилдагига нисбатан 1 триллион сўмга кўпроқдир.



16-17 апрель кунлари мамлакатимизда "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда БМТ, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари, дунёнинг олтиндан зиёд давлатидан 300 дан ортиқ олим, мутахассис ва эксперт, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатлар иштирок этди.

Халқаро форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Тошкентда "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганнинг 20 йиллигига бағишланган "Соғлом авлод — миллат келажаги" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг ушбу конференция иштирокчиларига йўлаган табриги ўқиб эшиттирилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 23 апрелдаги Фармонида мувофиқ тақдирланган бир гуруҳ ходимларга ана шу юксак мукофотлар топширилди.

"Тошкент — Самарқанд — Тошкент" йўналиши бўйлаб қатновларни амалга ошираётган "Afrosiyob" электропоезди янада юқори тезликда ҳаракатлана бошлади. Эндиликда йўловчилар ушбу транспорт воситасида ўз манзилларига икки ярим соат ўрнига, 2 соату 8 дақиқада етиб боришмоқда.



Пойтахтимизда кимё фани бўйича ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида Ўзбекистон ёшлари 2 та олтин, 5 та кумуш ва 8 та бронза медалини кўлга киритди.

Тошкент кўчаларида Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган янги русумдаги "SamAuto LE 60" автобуслари қатнови йўлга қўйилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан юртимизда янги "BolaJob" деб ном олган телеканал ўз фаолиятини бошлади.

Бухоро шаҳрида "Универсиада — 2013" спорт мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтди. "Кичик Олимпиада" номини олган мазкур нуфузли мусобақа навқирон авлод вакиллари жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол вояга етишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, саралаш босқичларида қарийб 138 минг нафар талаба қатнашиб, шундан 1020 нафар йигит-қиз финал босқичига йўлангани кўлга киритди.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Президентимизнинг 2011 йил 27 майда имзоланган "Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотирасига Тошкент шаҳрида ҳайкал ўрнатиш тўғрисида"ги қарорига биноан барпо этилган ёдгорлик очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Дил сўзи



Мана, 2014 йилни ҳам катта қувонч ва шодлик билан қарши олаётиб. Бундай пайтда ҳар биримиз янги орзу-мақсадларни ўз олдимизга қўямиз. Бу йўлда яратиб берилган беқиёс шарт-шароитлар ва имкониятлардан унумли фойдаланишга интиламиз. Тинч ва осуда юрда давру даврон сураётган кексаларимиз дуосидан куч олиб, навбатдаги марраларни забт этишга чоғланамиз. Хуллас, барча байрамога кайфият оғушида бўлади.

Шундай аҳойиб юрт ва халқ билан биргаликда Янги йилни қарши олишни кўнглига туккан меҳмонлар ҳам бутун умрга татигулик таассуротлар олиши шубҳасиз. Улар билдирган фикрларда ана шу илиқлик ва самимият ўз ифодасини толган.

## «Улкан маънавий қадриятлар бизни ҳайратга солди»

Луи КОРНЬЕ (Франция):

— Мен рафикам билан Янги йилни дунёнинг турли мамлакатларида нишонлашга одатланганман. 2014 йилни Марказий Осиёнинг энг гўзал юртидан бири Ўзбекистонда нишонлаш шарафига муассар бўлганидан бахтиёрман. Ўзбек халқини дунёдаги энг меҳмондўст халқлардан бири деб бекорга айтишмас экан. Ватанингизга сафаримиз давомида қаерда меҳмон бўлмайлик, қандай шодиёналарда иштирок этмайлик, ҳамма бизни худди ўз яқинидай самимият билан қарши олади. Бундай очикқўнглилик, ростини айтсам, мени лол қолдирди. Фикримча, инсонларнинг

бир-бирига бўлган бундай яқин муносабатида, иноқлигидан кўп асрлик улкан маънавий қадриятларнинг ўрни катта. Мисол учун, Европа халқларида бу даражада иноқлик ва яқинликка кам гувоҳ бўласиз.

Ҳар бир сайёх хориж мамлакатига сафари давомида янги таассуротлар излайди. Менинг энг ёрқин таассуротларим юртингизнинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари билан боғлиқ. Бу икки азим шаҳарни кезганда худди мозийга сафар қилгандек бўласиз. Қадриятларини шунчалки эъзозлаётган ўзбек халқининг йиллар оша улкан маънавий меросни асрай олишига ишончим комил.

Паул НОВЕКСКИ (Польша):

— Польша ва Ўзбекистон ўртасидаги турли соҳадаги алоқалар йилдан-йилга ривож топмоқда. Иқтисод, фан, савдо ва бошқа кўплаб жабҳалар билан бирга, сайёхлик соҳасида ҳам ҳамкорлик изчил давом этмоқда. Ўзбекистон — сайёхлик салоҳияти жуда юқори мамлакат. Юртингизда кўплаб ноёб тарихий обидалар ҳозирги кунда асосий туризм марказларига айланган.

Яна шунинг эътирофи эътиборини исратдимки, одамларнинг юз-қўзилда байрамога кайфият ҳукмрон. Бундай кўтаринчилик ижобий маънода менга ҳам юқди. Айниқса, Чимён тоғига сафарим давомида

анга шундай таассуротлар қамраб олди. Эътиборлиси, бундай масканларнинг юртингизда кўплиги сайёхликнинг қишки турларини ривожлантиришда катта натижа берди. У ерга сафарим давомида тоғ бағрида яратилган шароитлар менда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон табиати жуда хилма-хил. Диёрингизда йилнинг тўрт фаслида тўрт хил об-ҳаво шароити ҳукм суради. Бу эса мамлакатингизда экотуризмни ривожлантиришга кенг имконият бериладиган далолат. Юртингизга сайёхлар оқими йилдан-йилга ортиб бораётгани бу соҳадаги ислохотлар тўғрисида кўп қўйилганини кўрсатади. Зеро, ёш мамлакатни дунёга танитишнинг

«Соғлом бола йили» деб эълон қилинганни тўла қўлаб-қувватлашни билдирди. Аксарий иштирокчилар янги — 2014 йил мамлакатимиз учун навбатдаги тўб ўзгаришлар йили бўлиши ва барча соҳаларда катта ютуқларга эришилишига қатъий ишонади. Айни пайтда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этишга тайёр эканини қайд этди.

Мухтасар айтганда, навбатдаги сўров фуқароларимиз янги — 2014 йилни кўтаринки кайфият, келажакка қатъий ишонч билан қутиб олиш ва Ватанимиз тараққиётига ўз хиссасини қўшишга тайёрлигини кўрсатди.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎЗА мухбири Сардор ТОҶИБЕ тайёрлади.

Антони ДЕ ЛЕУВ (Голландия):

— Ўзбекистонга келганимга бир ойдан ошди. Янги йилни ҳам Тошкентда нишонламоқчиман. Куллоқ соҳасига қизиқман. Юртингизга келишимдан мақсад ўзбек куллоқли сәнъати билан яқиндан танишиш эди. Интернет орқали бу санъат тури мамлакатингизда кенг тараққий этганини, бу ерда бир нечта ушбу хунар тури мактаблари борлигини ўқиганман. Ўзбекистонга келиб билдимки, Ватанингизнинг деярли ҳар бир шаҳрида бири-биридан фарқ қилувчи куллоқлар мактаби бор экан. Мамлакатингизда қадимий маданият белгилари бўлган кўна санъат турлари ривожига қаратилган эътибор таҳсинга лойиқ. Бугунги тез ўзгараётган замонада ўзалигини сақлаб қолиш ва ўз тараққиёт йўлидан боришда бунинг аҳамияти беқиёс. Ўзбек куллоқлари ишларини янги йил совғаси сифатида Голландияга олиб кетиш ниятидаман.

Алишер ОТАБОВЕЗИБ олди.

# Кўркам, шинам, замонавий

уйлар аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашда муҳим омил бўлмоқда

2013 йил — Обод турмуш йили

Ортада қолаётган ҳар бир йил кўлга киритилаётган муваффақиятлар билан қадрли ва беқиёс аҳамиятга молик. Хусусан, Президентимиз томонидан 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши, шу муносабат билан Давлат дастури ишлаб чиқирилиши ва унинг ижроси таъминлангани Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш ҳамда обод қилиш борасидаги ишларимизни янги, юксак босқичга кўтариш имконини берди.

Айтайлик, мазкур дастур доирасида мамлакатимиз бўйича барча манбалар ҳисобидан 6 триллион 930 миллиард сўм ҳамда 471 миллион АҚШ долларида ортиқ маблағ сарфланди. Шунинг ўзидан амалга оширилган ишлар кўлами қанчалар кенг ва улкан эканидан яққол далолатдир.

Маълумки, халқимиз азалаздан саранжом-сарихталликка, ўз уйида яшаш учун барча шарт-шароитни яратиш орқали турмушини фаровон қилишга алоҳида эътибор қаратиб келди. «Ободлик кўнглидан бошланади», деганларидек, кўнгли пок бўлса, барча эзгу мақсадлар рўёбга чиқиб, юрт обод, ҳаёт янада гўзал бўлиб бораверади. Жорий йилда юртимизда барча жабҳаларда буюк ўзгаришлар

рўй бергани бунинг тасдиғидир. Масалан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган замонавий уй-жойларни олиб кўрайлик. Бундан бери неча йил аввал бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бошланган мазкур тадбир, айтиш жоизки, бугунги кунга келиб, оммавий тус олди. Энг муҳими, янги мавзелар нафақат қишлоқларимиз инфратузилмасини ривожлантиряпти, балки одамларнинг ҳаёт тарзи ва дунёқарашини тубдан ўзгартирмоқда.

Ҳаммасидан ҳам, уй-жойлар эгаларига бир қатор энгилликлар берилаётганини айтмайсизми?! Молия муассасалари томонидан уларга 15 йил муддатга йиллик 7 фоиз ставка бўйича кредит ажратилиши, уй биттач

эса, у шахсий мулк сифатида қабул қилиб олиниши, газ, сув, электр энергияси ҳамда бошқа муҳандислик тармоқларига ҳеч қандай қўшимча тўловларсиз улашни каби имтиёзлар берилиши шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Юртбошимизнинг 2010 йил 17 июндаги "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" институти мутахассислари томонидан, тўрт ва беш хонадан иборат бир қаватли тураржойларнинг янги лойиҳалари ўзбек оиласи учун мослаштирилгани нур устига аъло нур бўлди. Негаки, янги лойиҳада уй шифтининг баландлиги 3,2 метр, дарвозахона

йўлагининг тепа қисмида махсус айвон, кираверишда эса автомобиль учун жой бўлиши, ҳар бир иморат солувчига 0,06 гектардан ер участкаларини ажратиб берилиши сингари ҳаётий омиллар эътиборга олинди.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, Обод турмуш йилида республикамизнинг 147 та туманида 10 мингта намунавий уй-жой барпо этилиб, бунинг учун аҳолига 1 триллион 400 миллиард сўм миқдорда узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ажратилди.

Буларнинг бари, шубҳасиз, мамлакатимизда аҳолининг, шу жумладан, қишлоқ одамларининг бахтли ва фаровон турмуш кечиришини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг амалий самарасидир.

Саидоҳмад РАЗЗОҚОВ, «Қишлоқ қурилиш инвести» инжиниринг компанияси бош муҳандиси.

## Айём қувончи



«Давоми. Бошланчи 1-бетда».

Майдоннинг байрамога таровати, бу ердаги кўнглилар тадбирлар барча-барчага хушқайфият бахш этапти. Кимники учратманг, қай бир юрт-

дошимиз билан суҳбатда бўлманг, яхшиликлардан сўз очилди. Зеро, хайру саховат, меҳр-оқибат ва бунёдкорлик каби эзгу амалларга интилиб яшовчи халқимиз ўзининг бугунги фаровон турмуши-

дан, тўкин ва осойишта ҳаётиндан мамнун. — Набираларим билан байрам сайлига келдик, — дейди Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида яшовчи Эгамберди ота Пўлатов. — Ўзим

ўқитувчиман. Қирқ уч йилдирки, болаларга сабоқ бериб келаяпман. Истиклол йилларида Президентимизнинг биз, ўқитувчи ва мураббийларга қаратаётган юксак эътиборидан беҳад мамнунимиз. Бу ердаги шоду хурамлик биз, катталарни ҳам болалардек севинтирмоқда. Албатта, бу сингари тантаналар тинчлик, фаровонлик ҳукм сурган юрдагига кўнглиларга сиғди. Бундай дамда фақат эзгу ниятлар қилсан, орзу-мақсадларинг рўёбга чиқишига катта умид боғлайсан, киши. Илоҳим, ҳавас қилса арзигулик шундай ҳаётимизга, болаларимизнинг бахту саодатига кўз тегмасин, ҳар кунимиз, ҳар онимиз шодиёналарга бой бўлсин!

Байрам тантаналари Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлиб ўтмоқда.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## КЕЛАЖАККА ҚАТЪИЙ ИШОНЧ

«Давоми. Бошланчи 1-бетда».

Тадқиқот ўзбекистонликлар ижтимоий кайфиятида эртанги кунга, мамлакатимиз фаровонлиги ва раванқига қатъий ишонч устунлигини кўрсатди. Кўпчилик иштирокчи (85 фоиздан ортиқ) 2013 йилни муваффақиятли ўтди, деб ҳисоблайди. 88,2 фоизи эса ўз ҳаётиндан тўла мамнунлигини билдирган. Бу «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларга эришилганидан ёрқин далолатдир.

Сўров қатнашчиларининг фикрича, мамлакатимизда меҳнат қилиш, касбини ижодий фаолиятни амалга ошириш учун қўлай ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлар мавжудлиги қўйилган мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этган. 2013

йилда кўпчилик фуқароларнинг моддий аҳоли, маънавий ва уй-жой шароити сезиларли даражада яхшиланган. 86 фоиздан зиёд иштирокчи оиласи ва ўзининг ижтимоий мавқеи ошганини қайд этган. Сўров иштирокчиларининг 90 фоизга яқини ўз оиласи моддий аҳолини яхши, деб баҳолайди.

Тадқиқот қатнашчилари мамлакатимиз кўлга киритаётган кенг қўламли ютуқлар ҳақида гапирар экан, 2013 йилда Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи янада ортиб, халқаро муносабатлар соҳасида салмоқли муваффақиятларга эришганини алоҳида таъкидлади.

Юртдошларимиз 2014 йилги мақсад ва режаларга оид саволларга жавоб берар экан, келажакка қатъий ишонч билан боқишини, жорий йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан

«Соғлом бола йили» деб эълон қилинганни тўла қўлаб-қувватлашни билдирди. Аксарий иштирокчилар янги — 2014 йил мамлакатимиз учун навбатдаги тўб ўзгаришлар йили бўлиши ва барча соҳаларда катта ютуқларга эришилишига қатъий ишонади. Айни пайтда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этишга тайёр эканини қайд этди.

Мухтасар айтганда, навбатдаги сўров фуқароларимиз янги — 2014 йилни кўтаринки кайфият, келажакка қатъий ишонч билан қутиб олиш ва Ватанимиз тараққиётига ўз хиссасини қўшишга тайёрлигини кўрсатди.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎЗА мухбири Сардор ТОҶИБЕ тайёрлади.

## Мухбирларимиз

### 32 та гидроиншоот

#### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.

Янги йил байрами арафасида Мўйноқ туманининг Қозоқдарё қишлоғидаги уч юздан ортиқ хонадон аҳли қўшимча қулайликдан баҳраманд бўла бошлади. Яъни 103 минг АҚШ долларлик маблағ эвазига худуддаги 6 километрлик канал мукамал таъмирдан чиқарилиб, янги насос станцияси ўрнатилди. Пировардда қишлоқ аҳли ўз экин майдонларини доимий суғориш имкониятига эга бўлди.

Умуман, 2013 йилда Оролбўйи минтақасида 8,9 миллиард сўмлик инвестиция эвазига 32 та гидроиншоот фойдаланишга топширилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Эртақлар шаҳарчаси

АНДИЖОН. Вилоят марказидаги "Баркамол авлод" хиёбонида барпо этилган "Эртақлар шаҳарчаси" шаҳар аҳли ва меҳмонлар билан гавжум. Бу ерга ўрнатилган 25 метрлик улкан арча, турли аттракционлар, театр

жамоаларининг чиқишлари жажжи томошабинлар кўнглига кўтаринкилик бағишлаётди.

Айни пайтда Андижон шаҳрида 17 та худди шундай шаҳарча ташкил этилган.

Саидоҳмад ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Зомин тоғларига саёҳат

ЖИЗЗАХ. 2013 йил вилоятда эко ва агротуризм бўйича 6 та янги йўналиш очилиб, уларнинг сони 12 тага етказилди. Натижада сайёҳлар оқими ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баробар ошди.

Хусусан, бугунги кунда биргина Зомин туманида экологик, тоғ-чанги ва спорт-соғломлаштириш йўналишларида сайёҳлик хизматлари кўрсатилляпти.

Уллубек АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Болажонлар ихтиёрида

БУХОРО. Янги йил қувончи болажонларни спорт майдончаси сари чорлади. Қорбўрон ўйнаётган ўғил-қизларнинг кўнглироқдек овозлари дунёни тудди.

Эътиборлиси, 2013 йилда биргина вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси тизимида болажонлар учун олти та ана шундай спорт майдончаси

барпо этилиб, 16 таси таъмирдан чиқарилди. Сунъий қопламали спорт майдончалари, қишлоқ жойларда қурилган ўшангидек спорт мажмуалари болажонлар ихтиёрида. Уларда 121 минг нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг у ёки бу тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Ноанъанавий усулда парваришланади

НАВОИЙ. "Navoiy-Korea" қўшма корхонаси қошида барпо этилган 2,5 гектарлик замонавий иссиқхонада гидропоник усулда сабзавот маҳсулотлари етиштириляпти. Мазкур технологиянинг афзаллиги шундаки, ўсимликларни парваришлаш даврида тупроқдан фойдаланилмайди. Яъни уларнинг томири, асосан, минераллар билан озиклантирилади. Бундай усул билан одатдагидан бир неча баробар ортиқ ҳосил етиштириш мумкин. Жамоа аъзолари янги йилдан ўз маҳсулотларини хорижга ҳам экспорт қилишни режалаштирган. Шу мақсадда чет эллик ҳамкорлар билан 150 минг АҚШ долларлик экспорт шартномаси имзоланди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Байрам дастурхонига — сара маҳсулотлар

НАМАНГАН. Вилоятнинг шаҳар ва туман марказларида Янги йил байрами олдидан анъанавий қишлоқ ҳўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдо ярмаркалари ташкил этилди. Уларда фермер ҳўжаликлари томонидан 800 тоннага яқин мева-сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари бозордагидан

анча арзон нархларда савдога чиқарилди. Шунингдек, 250 минг донадан ортиқ тухум, 36 тонна балиқ, 1,5 тоннадан зиёд асал ҳамда 15 тоннага яқин сархил бодиринг ва помидор пештахталарга қўйилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Биз ва Жаҳон

Яқинда Япониянинг Токио ва Цукуба шаҳарларида Обод турмуш йили яқунларига бағишланган тақдимот маросимлари бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг Япониядаги дипломатия ваколатхонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирларда тақдимот иштирокчилари мамлакатимиз ҳаётининг барча баҳаларида рўй бераётган кенг қўламли ўзгаришлар билан танишиш баробарида Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигининг истиқболлари хусусида ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

# «Обод турмуш йили» яқунлари Японияда тақдим этилди

Тадбирлар чоғида қайд этилганидек, давлатимиз томонидан олиб борилган оқилона сиёсат туфайли мустақил тараққиётнинг 22 йилли мобайнида мамлакатимиз миллий иқтисодиёти тўрт баробар юксалди, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда аниқ даромадлар микдори 7 баробар ошди, сўнги йиллар давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши барқарор равишда 8 фоиздан зиёдни ташкил қилмоқда. Тақдимот қатнашчилари томонидан эътироф этилганидек,

республикамизнинг асосий бойлиги — кўп миллатли меҳнаткаш халқидир. Мамлакатимизда 120 дан зиёд миллат ва элатлар вакиллари ўзаро аҳил-ҳалқатлаштирилган ҳолатда истиқомат қилаётгани, жамиятда миллатларaro ҳамжиҳатлик муҳити ҳукм сураётгани, шубҳасиз, жуда катта эътиборга моликдир. Ўзбекистонда нефть-газ-кимё тармоғи, автомобилсозлик, озиқ-овқат, дори-дармон sanoati, энгил sanoat, маиший электр техникалари, қурилиш

материаллари ишлаб чиқариш тобора ўсиб бораётганига алоҳида урғу берилди. «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида **Цукуба университетининг профессори Макоито Ито** мамлакатимизда ислохотлар босқичма-босқич ва из-

бораётганини қайд этди. «Илмий-техникавий ҳамкорлик, таълим, сармоё ва энергетика соҳаларидаги муносабатларимиз ўсувчанлик хусусиятига эга эканлиги билан ҳам диққатга моликдир, — деди профессор. — Биз университетимизда Ўзбекистон олий ўқув юртинининг

лаётганини қайд этди. Х. Исоданинг айтишича, буни 2013 йилнинг мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилинганидан ҳам билса бўлади. — Ўзбекистон иқтисодиёти сановатлаштириш, қишлоқ хўжалиги ҳамда ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини мустақамлаш, атроф-муҳит муҳофазаси ва бошқа жабҳаларда катта муваффақиятларни қўлга киритаётганидан хабардорман, — деди Х. Исода. — Бизнинг университетимиз Ўзбекистонлик шериклар билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Айни пайтда Қишлоқ ва сув хўжалиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда келгуси йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида ирригация ва чўллашувнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро конференция ўтказишни режалаштираёلمиз.

«Жаҳон» АА Токио

Сарҳисоб



# 2013 йилнинг муҳим воқеалари

● Президентимиз «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Юртимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда нишонлашга қаратилган ўшбу байрам «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган широри асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этди.

● «Бухоро» халқаро аэропорти Фуқаро авиацияси «Аэропорт» ассоциациясининг «МДХ мамлакатлари орасида йилнинг энг яхши аэропорти» йўналишида мукофотга сазовор бўлди.

● Футбол бўйича ёшлар ўртасида Туркия яшил майдонларида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати (FIFA U-20 World Cup) мусобақаларида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси кучли саккизликдан жой олиб, миллионлаб мухлисларнинг кўнгилларига хушнудлик бағишлади.

● 2013 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 5000 сўм бўлган янги пул билетларини муомалага чиқарди.

● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» янги «Boeing-767-300ER» русумли лайнерни қабул қилди.

● Мамлакатимиз галлакорлари ризқ-рўзимиз ва бойлигимиз манбаи, дастурхонларимизнинг тўқинлиги, тўқчилик белгиси бўлмиш галладан 7 миллион 610 миң тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, улкан меҳнат галабасини қўлга киритдилар. Шу муносабат билан Президентимиз Ислоҳ Каримов галлакорларга табрик йўллади.

● Асакадаги автозаводда 200000-автомобиль конвейердан чиқарилди.

● «Маънавият» нашриёти томонидан «Президентга мактублар» китобининг учинчи жилди нашрдан чиқарилди.

● «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги «Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболли» янги ҳисоботини эълон қилиб, Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлини кетма-кет тўрттинчи йил «барқарор» деб тасдиқлади.

● Энг улғу, энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида «Нихол» мукофотининг жорий йилдаги ғолиб ва совриндорлари аниқланди.

● Самарқандда улкан санъат байрами — «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтди. 1997 йилдан бери ҳар икки йилда ташкиллаштириб келинаётган мазкур анжуманда бу йил 52 мамлакатдан вакиллар қатнашди.

● Мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида «Мустақиллик дасиси» билан бошланган янги ўқув йилида 1-синфга қабул қилинган 528 972 нафар ўқувчига «Президент совғаси» сифатида 12 номдаги ўқув қуролларидан иборат совғалар тантанали равишда тарқатилди.

● Пойтахтимизда бўлиб ўтган IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида 680 миң тонна ўзбек толаси ҳамда умумий қиймати 1 миллиард АҚШ доллари билан ортиқ тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича шартномалар имзоланди.



## хабар қилади

### Меҳр оғушида

**САМАРҚАНД.** Вилоятда ўтказилган «Президент арчаси» тадбирларида ҳудуддаги ота-онаси бўлмаган, Меҳрибонлик уйлари, махсус болалар уйларида тарбияланаётган 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1216 нафар ўғил-қизга «Президент совғаси» топширилди. Шунингдек, вилеят ҳокимлиги ташаббуси билан

вилеятдаги 4 та Меҳрибонлик уйи, 16 та махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари ҳамда барча шаҳар ва туманлардаги кам таъминланган оилаларнинг 2345 нафар фарзанди ҳомийларнинг Янги йил совғаларини қабул қилиб олдилар. **Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

### Камолот пиллапоёси

**СИРДАРЁ.** Вилеят бунёдкорлари Сайхунбод, Оқолтин ҳамда Сирдарё туманларидаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари учун Янги йилга муносиб совға хозирлашди. Яъни мазкур таълим муассасалари замонавий меъморий ечимлар асосида бунёд этилган кўркам биноларга эга бўлди. Айтиш лозимки, ўтган йиллар мобайнида Сирдарё вилеятдаги мавжуд 15 та шундай мактабнинг 12 таси янгидан қурилди ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминланди. **Аҳмадвали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

### Муҳташам мажмуа

**СУРХОНДАРЁ.** Янги йил арафасида Бойсун тумани марказидаги «Ақбар шоҳ» хусусий корхонаси томонидан лойиҳа қиймати 1,5 миллиард сўмлик «Бойсун савдо маркази» ишга туширилди. Натижада 1350

квадрат метр майдонни эгаллаган мажмуада харидорлар учун барча шарт-шароит яратилиб, 100 га яқин иш ўринлари ташкил этилди. **Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

### «Боғи эрам»га марҳабо

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** Бўстонлик тумани маркази — Фазалкент шаҳрида ишга туширилган маданият ва истироҳат боғига «Боғи эрам» деб ном берилди. Бу ерда 400 ўринли амфитеатр, кинозал, хордиқ айвончалари ҳамда ўндан ортиқ савдо ва умумий овқатланиш нуқталари хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, истироҳат боғига болажонларга атаб 133 миллион сўмлик замонавий аттракционлар ҳам олиб келиниб, ўрнатилди. Қувварли жиҳати, яқунланган йил давомида вилеятда қиймати 3,3 миллиард сўмлик 3 та янги маданият ва истироҳат боғи фойдаланишга топширилди. **Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

### Бунёдкорлик меваси

**ФАРҒОНА.** Риштон туманининг Оқ ер қишлоғида болалар спорт мажмуаси бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Бу эзгу мақсад учун 1 миллиард 700 миллион сўм сарфланди. Мажмуа ёпиқ спорт зали, футбол, волейбол, баскетбол майдончалари ҳамда катта теннис кортидан иборат. Бу ерда 140 нафар ўғил-қиз бир пайтнинг ўзида спортнинг 8 тури бўйича машғулотларда қатнашиш имкониятига эга. Энг муҳими, иншоот 140 миллион сўмлик сармоё эвазига замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди. **Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

### Катта тезликдаги интернет

**ХОРАЗМ.** Янги йил байрами арафасида Урганч шаҳар телефон тармоғида 14 миң рақамга мўлжалланган 13 та замонавий станция монтаж қилиниб, ишга туширилди. Уларнинг афзаллиги шундаки, бу станцияларга оптик толали кабеллар уланган бўлиб, ҳар бир миқозга катта тезликдаги интернет хизмати ва 40 та каналли «IPT-TV»га улашиш имконияти яратилди. Шунингдек, қўшимча хизматлар ҳам жорий этилмоқда. **Ойбек ЖУМАНИЕВОВ.**

### «Эзгулик ва бахт кўнғироғи»

**ҚАШҚАДАРЁ.** Вилеят кўнғирчоқ театри жамоаси Янги йил байрами муносабати билан болалар учун «Эзгулик ва бахт кўнғироғи» спектаклини сахналаштирди. Асарда турли эртак қаҳрамонларининг арча атрофида йиғилиши, Янги йилга тайёргарлик жараёни, ундаги тортишувлар, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги қарама-қаршиликлар акс эттирилади. Турли мультфильмлар қаҳрамонлари иштирокидаги воқеалар яқунда яхшиликнинг галабаси болалар қалбига чексиз қувонч ва шодлик бахш этади. **Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

2014 йил — Соғлом бола йили

Ҳар бир давлатнинг куч-қудрати, салоҳиятини баҳолайдиган ўзига хос мезонлар бор. Улардан бири аҳолининг нечоғли саломатлигига қараб белгиланадиган ўлчовдир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, биз бугун ҳар қанча фахрланиб гапиришга, шукроналар айтиб яшашга ҳақлигимиз. Негаки, касбимиз тақозосига кўра, дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлган киши сифатида айтаманки, тиббиётимизни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор камдан-кам давлатларга хос.

рибди. Давлатимиз раҳбари «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ишлаб чиқишида, биринчи навбатда, оналик ва болаликни ҳимоялаш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустақамлаш ҳақида

26 та даволаш муассасасида 75 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобига янги қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди. Замон талабларига тўла жавоб берадиган, ривожланган мамлакатларнинг энг сўнги технологиялари — компьютер то-

# Ҳаётимиз мазмуни

ҳам тўхталдиларки, бундай эътибор ҳар биримизга, айниқса, биз, шифокорлар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Ўзбекистон тарихан қисқа мuddатда жадал тараққий этаётган мамлакатга айланб улгурди. Буни ҳар бир жабҳада амалга оширилган янгиликлар ва ўзгаришлар мисолида кўриб туришимиз. Ўтган йиллар давомида одамларнинг дунёқараш ва кайфияти, фикру орзулари, уларнинг ҳаётга, ўз меҳнати натижасига муносабати тубдан ўзгариб, юксалиб бораётгани аниқ ҳақиқат.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам тиббиёт тизимида улкан утуқлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Саломатлик» лойиҳалари асосида ўтган йиллар давомида 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобидан 190 та КВП тиббий жиҳозлар билан таъминланди. 2009 — 2013 йиллар оралиғида

мографияси, фиброэндоскопик ускуналар ва юрак-қон томирларини текширишга ихтисослаштирилган махсус асбоблар билан жиҳозланган даволаш-профилактика муассасалари қад кўтарди.

Муҳими, бу каби янгиликлар «Соғлом бола йили» деб номланган 2014 йилда ҳам давом этирилади. Эеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, бугунги тезкор замонада ҳаётнинг ўзи инсоният олдига ёш авлоднинг вояга етказиш ва тарбиялаш борасида янги, ўта муҳим ҳамда долзарб вазифаларни қўяётди. Ишончимиз комилки, келахакка нисбатан бундай гамхўрлик ўз мевасини беради.

**М. КАБУЛОВ,** Академик В. Воҳидов номидagi Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази Нукус филиали директори, тиббиёт фанлари доктори, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби.

## Ҳамиша эл ардоғидаман

Сурур

Обод турмуш йили хонадонимиз учун қувончли воқеаларга бой бўлди. Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги арафасида «Шухрат» медали билан тақдирландим. Чеварали бўлдим. Бир эмас, икки неварам энгил машина сотиб олди. Ҳозир бири қўйиб, бири «Машинада айлантириб келаман, бувижон», деб қўйишмайди, азаматлар.

Янги йилни ана шундай шод-хуррамлик билан қарши олаймиз. Ўғил-қизларим, маҳалладошларим ардоғидаман. Баъзан ўтган асрнинг

етинглар», дея насиҳат қиламан. Айтгандек, 20 нафар неварам, 21 нафар эварам, икки чеварам бор. Янги йилда насиб этса, 102 ёшга қадам қўяман. Қўлим ҳамиша дуода: илоҳим, юртимизни ёмон кўзлардан асрагин! Барчага мен каби пиру бадавлат бўлиб яшаш бахти насиб этсин!

**Ғажудов туманилик табаррук ўшдаги онахон Ҳабоба ЗАРИПОВАнинг дил сўзларини** Истам ИБРОҲИМОВ эътиб олди.

ўттизинчи-қирқинчи йиллари ёдимга тушади. Ўша машаққатли йилларда аёл бошимиз билан далада қўш хайдаганмиз, кечалари кўсак чувиб чиққанмиз. Эвазига оддий раҳмат ҳам эшитмаганмиз. Шуларни ўйлаб, неваро эвараларимга «Бу обод, тинч, фаровон кунларнинг қадрига

# Мақсадлар рўёби — орзу-умидлар асоси

Эътибор

Яқунланган Обод турмуш йилида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожини янги босқичга кўтарилди. Бунда Президентимиз томонидан имзоланган кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга қаратилган бир қатор Фармон ва қарорлар, шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастури муҳим дастуриламал бўлди. Натижада тадбиркорлик субъектлари фаолияти сифат жиҳатидан юксалдики, бу, ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Хоразм вилеятда ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш, улар учун ишончли ва қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Мисол учун, хозирги кунда воҳода 10 миң 179 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётган бўлса, уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 75,2 фоизни ташкил этаётди. Жами иш билан банд аҳолининг 78,8 фоизи шу соҳада меҳнат қилмоқда.

Албатта, бундай юксак натижаларни қўлга киритишнинг омиллари кўп. Ишбилармонларнинг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани шулардан биридир. Хусусан, 2013 йил мобайнида тадбиркорларга тижорат банклари томонидан 269 миллиард 200 миллион сўмлик кредит ажратилди. Бу аввалги йилдаги кўрсаткичга нисбатан 1,3 баравар зиёддир.

Вилеят тадбиркорлари ана шу маблағ эвазига замонавий технологияларни харид қилган ҳолда, ўз фаолиятларини кенгайтириб, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиршига эришмоқдалар.

Урганч шаҳридаги «Урганчгаз-маш» масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Лойиҳа қиймати 7 миллиард сўмини ташкил этган ўшбу корхона замонавий технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, у йилига 15 миң дона маший суёлтирилган газ баллонни ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Корхонамизда маҳсулот сифати талаб даражасида бўлиши ва унинг ҳажмини кўпайтириши-



нинг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани шулардан биридир. Хусусан, 2013 йил мобайнида тадбиркорларга тижорат банклари томонидан 269 миллиард 200 миллион сўмлик кредит ажратилди. Бу аввалги йилдаги кўрсаткичга нисбатан 1,3 баравар зиёддир.

Вилеят тадбиркорлари ана шу маблағ эвазига замонавий технологияларни харид қилган ҳолда, ўз фаолиятларини кенгайтириб, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиршига эришмоқдалар. Урганч шаҳридаги «Урганчгаз-маш» масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Лойиҳа қиймати 7 миллиард сўмини ташкил этган ўшбу корхона замонавий технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, у йилига 15 миң дона маший суёлтирилган газ баллонни ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Корхонамизда маҳсулот сифати талаб даражасида бўлиши ва унинг ҳажмини кўпайтириши-

га асосий эътибор қаратаёلمиз, — дейди жамият раҳбари Шухрат Назаров. — Шу боис газ баллонларига талаб тобора ошмоқда. Бу, албатта, эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқаётганидан далолатдир. Янги — Соғлом бола йилидаги орзу-умидларимизга келсак, аввало, 88 кишилик жамоамизнинг асосий қисми ёшлардан иборат эканлигини ҳисобга олиб, уларнинг унумли меҳнат қилиши, кўнғилли хордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитни яратишга ҳаракат қиламиз. Қолаверса, бугун салкам 2 миң дона газ баллонни ишлаб чиқарилаётган бўлса, жорий йилда уни 3000 донагача етказиб, қўшимча иш ўринларини ташкил этамиз. Буларнинг бари жамоамизнинг халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётининг янада ривожланишига қўшган ҳиссаси бўлади. **Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.** Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Сарҳисоб



# 2013 йилнинг муҳим воқеалари



● Польшанинг Вроцлав шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Руслан Нурудинов ва Улугбек Алимов юксак ғалабага эришиб, Президентимизнинг 30 октябрдаги Фармониغا мувофиқ, Руслан Нурудинов "Ўзбекистон ифтихори", Улугбек Алимов "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвонларига сазовор бўлди.

● Мамлакатимиз пахта далаларидан 3 350 000 тоннадан зиёд муҳим sanoat хом ашёси йиғиштириб олинди. Ватанимиз тараққиёти йўлида, иқтисодий тизимини барқарор суратлар билан ривожлантиришда, халқимизнинг ҳаётини янада фаровон ва обод қилишда катта ҳисса кўшган юртимиз пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига Президентимиз табрик йўллади.

● Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 20 — 23 ноябрь кунлари бўлиб ўтган Осиё қуёш энергияси форумининг 6-ййгилишига мамлакатимиз мезбонлик қилди. Унда Осиё тараққиёт банки ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларининг қуёш энергияси соҳаси бўйича мутахассислари ҳамда экспертлари, шунингдек, ускуна ишлаб чиқарувчи компаниялари ва илмий тадқиқот марказларидан қарийб 300 нафар вакил қатнашди. Президентимиз Ислон Каримов Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи ййгилишида нутқ сўзлади.

● "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 ййлигига бағишланган тантанали ййгилиш бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислон Каримов 2014 ййлини мамлакатимизда "Соғлом бола ййли" деб эълон қилишни таклиф этди.

● Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшларнинг энг оммавий лойиҳаларидан бири бўлмиш "Юрт келажиги" республика кўрик-танлови ҳамда "Камалак юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалининг мамлакат босқичи голибларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

## Полвонлар авлодимиз

"Биз баҳодирлар авлодиданмиз. Отамнинг амакиси Абдурасул оқсоқол юртининг кураги ерга тегмаган полвонларидан бўлган. Шунга ҳавас қилиб, сенга у кишининг исмини қўйдик, полвон бўлиб ўсдинг. Энди бел олишида ҳаммиша ҳалол бўлсанг, элининг дуосини олсанг, албатта, ишончимизни оқлайсан".

Сурур

Бобом бу гапларни 2012 ййли Навоий шаҳрида ўтказилган "Умид ниҳоллари" ўйинларидан олтин медал билан қайтган чоғимда айтган эдилар. Ушанда ниятлари ижобат бўлган эканми, якунига етган ййил мен учун жуда омадли келди. Аввалига республика миқёсидаги учта биринчиликда, декабрь ойи бошларида эса Россиянинг Нижнекамск шаҳрида белбоғли кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида шохсупанинг энг юқори погонасидан жой олдим. 1996 — 1997 ййилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ташкил этилган бу нуфузли мусобақада дунёнинг 14 мамлакатидан келган 300 нафарга яқин спортчи гиламга тушди. 60 килограмм вазн тоифасида бири-биридан кучли рақибларим билан кечган беллашувлар ҳали-ҳамон ёдимда. Барини энгдим ва ғалабам шарафига юртимиз байроғи мағрур ҳилпиради.

Бобом, ота-онам ва устозларим айтганидек, бу энди бошланғичи. Бойси, биз, Алпомиш авлодлари жаҳон майдонларида тобора мавқеи ошиб бораётган ўзбек кураши доврғини бундан ҳам баландроқ кўтаришга қодирмиз.

**Абдурасул ҲАБИБУЛЛАЕВ, белбоғли кураш бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони.**

Мучал

Кириб келган Янги ййил мучал бўйича от ййили бўлиб, у 12 та ҳайвоннинг номи билан аталадиган даврий ййил ҳисобининг еттинчисиدير. Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, Осиё ва Африка қитъаларидаги кўпгина мамлакатларнинг халқлари орасида қадим замонлардан бери мавжуд бўлган мучал ҳисоби ҳайвонларга топиниш асосида келиб чиққан. Ёзма манбаларда қайд этилишича, уни дастлаб Грек-Бақтрия подшолиги даврида кўчманчи чорвадор халқлар яратган. Сўнгра Мўғулистон, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Ироқ, Эрон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларга тарқалган.



# От ййили омад келтиради

Ййилларни ҳайвонлар номи билан аташ аънанаси Хитой ва Мисрда вужудга келган, деган маълумотлар ҳам йўқ эмас. Бу 12 ййиллик даврий ҳисобга эса ҳосиятли ва муқаддас саналган жониворлар киритилган. Сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит ва тўнғиз шулар жумласидандир. Бироқ ушбу рўйхат баъзи халқлар томонидан ўзгартирилиб, айрим ҳайвонлар ўрнига бошқасини киритиш ҳоллари ҳам учрайди. Айтилик, балиқ ўрнига Хитойда афсонавий аждаҳо, Африкадаги баъзи элатлар орасида тимсоҳ жой олган бўлса, Мисрда эса сичқон ўрнига мушук, от ўрнига эшак киритилган.

Қадимий ривоятларга қараганда, Янги ййилнинг қандай келиши кўп жиҳатдан мучал ҳисобидаги ҳайвонларга ҳам боғлиқ, деб қаралган ва бунга қаттиқ ишонилган. Масалан, тўнғиз ййилида ёнғингарчилик кўп бўлса, сигир ййили жуда кут-баракали келар эмиш. Бу ҳол туғилажак фарзандлар феъл-атворида ҳам намоён бўлмай қолмас экан.

Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, от ййилининг ҳосияти қандай? Маълумки, от азал-азалдан Шарқ халқлари орасида инсоннинг чин дўсти, эр ййигининг қаноти сифатида талқин қилинади. Кўп минг ййиллик достонларда ҳам от образи юксак мақомда мадҳ этилиб, соҳибининг қийин вазиятлардан чиқари, ёв исканжасидан озод бўлишида энг яқин кўмакчи бўлгани зўр иштиёқ билан таърифланади. Ота-боболаримиз отнинг энг ҳосиятли жонивор эканлигига эътибор қаратишар экан, у парваришланган хонадон фойз-баракали бўлишини, от минган кишига касаллик яқинлашмаслигини ўқтирадилар. Эмишчи, отнинг иккала қулоғи орасидан жаннатнинг хушбўй шамоли эсиб турармиш.

Дарҳақиқат, халқимизда ҳайвонлар ичида от ўзгача қадрланади. Кўпга миллий ўйинларимиз, урф-одатларимизни эса отсиз тасаввур қилиб бўлмайдди. Буларнинг замирида узок ййиллар мобайнида иботини толиб келаётган бир ҳақиқат — отнинг серҳосият эканлиги, унинг номи билан аталувчи ййил кут-баракали келиши мужассам.

Узоқ ййиллик кузатишларга қараганда, от ййили, шунингдек, ёрқин воқеа-ҳодисаларга жуда бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Негаки, фақат олға интилиш, янги марраларни забт этиш — отга хос жиҳат. Шахсий ҳаёт ва ишда орда қолиш, тушқунлик, ғамноқлик, беқарорлик унга мутлақо ётдир. Шунинг учун 2014 ййилдан фақат бахтли кунлар, омадли лаҳзаларни кутинг. Бу ййилда таваллуд топганларга эса етакчи бўлиш, муस्ताқил қарорлар қабул қилишга қодирлик, интилувчанлик, тиришқоқлик, киришувчанлик каби хусусиятлар хос. Шу боис улар орасидан кўпга етакчи саркардалар, нотик ва сиёсатдонлар етишиб чиққан.

Кези келганда, шуни ҳам айтиш керакки, от мучали соҳиблари сайру саёхатни хўш кўра-

С. ИБОДУЛЛАЕВ тайёрлади.



Хосан ПАЙДОЕВ сурат-лаҳзаси.

Ҳар фаслнинг ўз зийнати бор...

## Унутилмас саҳифа

Янги ййилни қаршилаш завқли, ортада қолаётган ййилдан кўнги тўлиши унданда тотли. Биламизки, вақтни қадрласак, орзуларимиз рўёбга чиқаверади. Хусусан, 2013 ййилда ана шу ўлмас қоида менга кўп қувончли кунларни армуғон этди.

Дил сўзи

Ўзим "Сехрли макон сайқали" фермер хўжалигини бошқариш билан бир қаторда, "Тадбиркор аёл" уюшмасининг туман бўлими раҳбари сифатида ҳам фаолият кўрсатаман. Ўтган ййили туманимизда тадбиркор аёллар сафини кенгайтириш борасидаги лойиҳамиз учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуриндаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ташкил этилган "Обод уйим" ташкилотининг 15 миллион сўмлик гранти соҳиб бўлдим. Натижада туманимизда 45 нафар аёлни касбга ўргатиш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш учун қулай имконият яратилди. Албатта, бу ўтган ййилги фаолиятимиздаги энг яхши натижалардан бири.

Вилоятимиз марказидаги театр биносидан "Йил аёли" кўрик-танлови вилоят босқичининг голиби бўлганлигим эълон қилинган кун эса ҳаётимнинг унутилмас лаҳзаларига

айланди. Бу эътирофдан мамлакатимизда аёл қадри нечоғли улуғ эканлигини яна бир бор ҳис қилдим.

Фермер хўжалигимиздаги ишларимиз ҳам баракали бўлди. Фалла ҳосилдорлигини 55 центнерга етказдик. Пахта ва бошқа экинларимиздан ҳам юқори ҳосил олдик. Деҳқончилик билан бирга, чорвачилик, паррандачилик ва тикувчилик йўналишларидаги ишларимизни ҳам яхши йўлга қўйиб олдим.

Аёл борки, у ободлик, озодалик, саришталикка интилади. Шу маънода, Обод турмуш ййили биз, аёллар учун ҳаётимизнинг янада фаровон, хонадонларимизнинг файзли бўлишида кўп имкониятлар ва шароитлар яратиши баробарида, ҳар доим юрт равнақи ҳамда турмуш ободлиги учун бирдек масъул эканлигимизга даъват этувчи унутилмас тарих саҳифасига айланди.

**Дилфуза АБДУСАТТОРОВА, "Тадбиркор аёл" уюшмаси Сардоба тумани бўлими раҳбари.**

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 3 январь, жума кунни чиқади).

## Жаҳон илм-фани: Кашфиётлар, изланишлар, тадқиқотлар

Ўқинг, қизиқ!

2013 ййил турли соҳаларда бўлгани каби дунё илм-фанида ҳам қатор янгиликлар кузатилди. Экспертларнинг таъкидлашича, астрономия, тиббиёт, юқори технологиялар йўналишларига оид ана шу кашфиётлар ўзининг долзарблиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Қуйида улардан айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Астрономлар Сомон йўли галактикасида камида 100 миллиард донна экзопланета жойлашганини аниқлашди. Қизиқ жиҳати, улар орасида Ерга ўхшашлари кўп экан. Масалан, "Кеплер-62f" дея номланган экзопланета ҳаммиша бошқа жиҳатлари бўйича сайёрамизга жуда яқин. Аммо унга етиб бориш осон эмас. Чунки мазкур сайёра Ердан 1200 ёруғлик ййили узоқликда жойлашган.

\*\*\*

Марсда қачонлардир ҳаёт

бўлган. "Curiosity" фазо аппарати орқали олинган маълумотларни ўрганиб чиққан НАСА олимлари худди шундай тахминни илгари суришди.

Уларнинг фикрича, "Қизил сайёра"да аниқланган Гейл вулкони ўрнида тахминан 3,5 миллиард ййил аввал қўл мавжуд бўлган. Бу жойдан эса углерод, водород, кислород, азот ва олтингугурт каби элементлар аниқланган. Мазкур унсурлар қўлда қачонлардир ҳаёт бўлганидан дарак беради.

\*\*\*

АҚШнинг Смитсон номидаги институти тадқиқотчилари Колумбия ва Эквадор ўрмонларида янги ҳайвон турига дуч келишди. Унга "Олингито" деб ном берилди. Эътиборли жиҳати, сўт эмизувчилар оиласига мансуб ушбу йиртқич сўнги 35 ййил ичида Фарбий яримшарда аниқланган биринчи ҳайвон ҳисобланади.

\*\*\*

Буюк Британияда дунёда биринчи марта инсонга тақомиллаштирилган протез қўл ўрнатилди. Мутахассисларнинг фикрича, унинг ёрдамида энг мураккаб юмушларни ҳам бажариш мумкин.

\*\*\*

Бир гуруҳ олимлар ўсмаларга қарши курашда кимётерапиядан кўра ўроқсимон эритроцитлардан фойдаланиш самарали, деган фикрга келдилар. Чунки бу усул орқали хавфли ўсмага

қон келишини тўсди, уни ривожланишдан тўхтатиб қўйиш мумкин экан.

\*\*\*

Буюк Британия ва канадалик олимлар томонидан қалинлиги қорғоздек келадиган, эгилувчан планшет ихтиро қилинди. Бу замонавий технологиялар соҳасида оламшумул янгилик сифатида эътироф этилди.

\*\*\*

АҚШнинг Жонс Хопкинс университети мутахассислари ОИВ вируси билан дунёга келган чақалоқни бутунлай дарддан фориғ қилишди. Бу амалиёт яқин келажакда ушбу дарднинг давосини топишда муҳим босқич бўлиши айтилмоқда.

\*\*\*

Орегон университети (АҚШ) олимлари ОИТС хасталигига қарши янги вакцина яратишди. Маълум қилинишича, мазкур препарат келажакда инсонда иммунитет танқислигини келти-

риб чиқарувчи вирусга қарши янги вакцина яратишда қўл келиши мумкин.

\*\*\*

Британиялик олимлар кўзи ожиз сичқонга кўриш имкониятини тухфа этишди. Бунда улар ёруғлик сезувчи тўқималардан фойдаланишган. Энди мутахассислар бу усул билан инсонларни ҳам даволашга умид қилишмоқда.

\*\*\*

Хитой "Чанъэ-3" номли биринчи космик аппаратини Ойга муваффақиятли чиқарди. Бунгача ушбу мамлакат "Чанъэ-1" деб номланувчи биринчи сунъий йўлдошини учирган эди.

Бундан ташқари, 2013 ййилда уч нафар хитойлик космонавт 15 кун Ер орбитасида бўлган эди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 ййил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 169. 142 445 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.  
Навбатчи — Ю. Бўронов.  
Мусахҳах — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 16.40 Топширилди — 18.20 1 2 3 4 5